

**Табиий газдан оқилонa фойдаланиш
йўналиши бўйича**

1. Ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик фаолиятида табиий газдан фойдаланувчи истеъмолчиларни газ тармоқларига уланиш

Т А Р Т И Б И

Йиллик истеъмол ҳажми 100,0 минг кубометр ва ундан ортиқ табиий газдан ишлаб чиқариш ҳамда тадбиркорлик фаолиятида фойдаланувчи истеъмолчилар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сон қарори 2 илова билан тасдиқланган “Табиий газдан фойдаланиш қоидалари”нинг қуйидаги бандлари талаблари бажариши керак. Жумаладан

1. Газдан фойдаланиш учун ҳудудий газ таъминоти корхонасидан рухсатнома (техник шарт) олиши керак.

2. Газ таъминотининг лойиҳа-техник ҳужжатларида қуйидагилар мавжуд бўлиши керак:

- тушунтириш хати;
- иссиқлик-механика қисми;
- технология қисми;
- назорат-ўлчов приборлари ва автоматика қисми;
- газ таъминоти қисми;
- резерв ёқилғи хўжалиги қисми;
- ускуналар ва материаллар спецификаси қисми;
- электр қисми ва бошқалар.

Газ таъминоти (корхоналарнинг газдан фойдаланиш ускунаси, қурилмалари, узатиш, тақсимлаш ва ички цех газ қувурлари) лойиҳаси газ таъминоти тизимларини лойиҳалаш бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган лицензияга эга бўлган лойиҳалаш ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилиши керак.

3. Қурилган, реконструкция қилинган ёки техник жиҳатдан қайта жиҳозланаётган газдан фойдаланиш ускуналарида қурилиш-монтаж ишлари тугагач ишга тушириш-созлаш ишлари ва режим-созлаш ишлари мажбурий равишда амалга оширилади.

4. Йиллига 100,0 минг кубометр ва ундан ортиқ миқдода табиий газдан фойдаланувчи истеъмолчиларда қурилиш монтаж ишлари яқунлангандан сўнг газда ишлаш қурилмасига газ бериш учун “Ўздавнефтегазинспекция” ҳудудий бўлимларидан қурилмаларда режим-созлаш ишларни ўтказиш учун рухсатномалар олади.

Манзил: 100007, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси 32а.

Телефонлар 8-371-267-28-17, 8-371- 267-53-89

Электрон манзили: info@uzngi.uz

Интернет манзили: www.uzngi.uz

“ЎЗДАВНЕФТГАЗИНСПЕКЦИЯ” МАЪМУРИЯТИ

2. Табиий газ тармоқларига рухсатсиз уланган ҳолатда истеъмолчиларга нисбатан кўриладиган ҳуқуқий чоралар юзасидан ЭСЛАТМА

Тадбиркорлик фаолиятида табиий газдан фойдаланувчи истеъмолчилар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сон қарори 2 илова билан тасдиқланган “Табиий газдан фойдаланиш қоидалари”нинг талаблари бажарилиши керак.

Шунингдек ушбу қарорнинг 11-боб. Табиий газдан фойдаланиш қоидалари бузилганда ҳисоб-китоб қилиш тартибининг

123-бандида. Истеъмолчи томонидан қуйида кўрсатилган қоида бузилишлари содир этилган тақдирда, ундан истеъмол қилинган табиий газ ҳажмлари нархи (амалдаги тарифлар бўйича) Бюро ёки газ таъминоти ташкилотининг ваколатли ходими сўнгги кўриқдан ўтказиш вақтидан бошлаб, газдан фойдаланиш ускунасининг сутканинг 24 соатида тўлиқ қувват билан ишлаши ҳисобидан келиб чиққан ҳолда ундирилади:

а) табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборига қасддан шикаст етказиш;

б) ўчириш қурилмалари, газдан фойдаланадиган ускуна ёки табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборида ўрнатилган тамғаларни қасддан бузиш;

в) табиий газ ҳисобини юритмасдан ёки ўрнатилган табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборларидан фойдаланмасдан табиий газни ишлатиш, ойлик меъёрлар бўйича аҳоли маиший эҳтиёжлар учун табиий газ етказиб бериш бўйича хизмат кўрсатиш бундан мустасно;

г) газ қувурлари ёки ГТШларда, газ тақсимлаш тармоқларини технологик иш режимини бузишга олиб келадиган қурилмаларни ўрнатиш.

124-банди. Маиший истеъмолчида ушбу Қоидаларнинг 123-бандида кўрсатиб ўтилган қоидабузарлик ҳолатлари, шунингдек, шахсий ҳисобрақамига (белгиланган меъёрлар бўйича истеъмол қилинган табиий газ миқдорини ҳисоблаш учун газ етказиб берувчи ташкилотнинг биллинг тизими) киритилган бошланғич маълумотлар (иситиш майдони, газдан фойдаланиш ускуналари сони ва яшовчилар сони) бузиб кўрсатилиши ҳолатлари аниқланганда, маиший истеъмолчидан Бюро ёки газ таъминоти ташкилоти ваколатли ходимининг сўнгги ташриф буюрган кунидан бошлаб, амалда аниқланган маълумотлар асосида белгиланган истеъмол меъёри бўйича ҳисобланган газ ҳажмининг ҳақи ундирилади.

125-банди. Истеъмолчилар (маиший истеъмолчилардан ташқари) томонидан газлаштириш учун зарур ҳужжатлар расмийлаштирмасдан газ тармоқларига ўзбошимчалик билан уланган тақдирда, ушбу хатти-ҳаракатларни содир этган шахслардан рухсатсиз фойдаланилган газ ҳажмлари қиймати истеъмолчи давлат рўйхатидан расмий ўтказилган кундан бошлаб (тегишли тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда) ўтган вақт мобайнида газдан фойдаланиш ускунасининг сутканинг 24 соатида тўлиқ қувват билан ишлаши (ёки стандарт газдан фойдаланиш ускунаси мавжуд эмаслигида қувурнинг ўтказиш имконияти) ҳисобидан келиб чиққан ҳолда, бироқ даъво муддатидан ортиқ бўлмаган миқдорда ундирилади.

Истеъмолчиларнинг барча тоифаларига газ етказиб бериш газ билан таъминловчи ташкилотлар билан тўғридан-тўғри шартномалари бўйича истеъмол қилиш лимитларини белгиламасдан истеъмолчиларнинг буюртманомалари асосида, белгиланган нархларга мувофиқ амалга оширилади.

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексни 103-моддаси бўйича газдан фойдаланиш қурилмасига газни рухсатсиз очиб бериш ёки газ истеъмол қилишнинг белгиланган тартибига риоя қилмаслик ёхуд газдан фойдаланиш қурилмаларида газ сарфлашнинг тасдиқланган солиштирма нормаларисиз газ сарфлаш ёки бундай нормалардан ортиқча сарфлаш, мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Газдан фойдаланиш қурилмаларини газ сарфини ҳисобга олмай туриб ёки газ қўллаиб ҳосил қилинадиган иссиқлик энергияси ва маҳсулотларни ҳисобга олмай туриб ишлатиш ёхуд газдан фойдаланиш қурилмаси лойиҳасида назарда тутилган газ ёниш жараёнини автомат тарзда бошқариб турувчи воситаларнинг, иссиқлик техникаси назорати асбобларининг ёки газдан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминловчи иссиқликдан фойдаланиш ускуналарининг бўлмаслиги (бузуклиги), мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Газ истеъмол қилувчи корхона, муассаса ва ташкилотлар учун назарда тутилган резерв ёқилғи хўжалигининг ишга тайёр эмаслиги ёки газдан фойдаланиш қурилмаларининг белгиланган резерв ёқилғи турларида ишлашга тайёр эмаслиги, мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 185-2-моддасига биноан “Газ тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ёхуд табиий газни ҳисобга олиш асбобларига қасддан шикаст етказиш ёки бундай ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралаштириш”, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин анча миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг **эллик бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари** билан жазоланади.

Ўша қилмишлар кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан **етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари** билан жазоланади.

Ўша қилмишлар жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг **етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари** ёхуд **уч ойгача қamoқ** билан жазоланади.

Манзил: 100007, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси 32а.

Телефонлар 8-371-267-28-17, 8-371- 267-53-89

Электрон манзили: info@uzngi.uz

Интернет манзили: www.uzngi.uz

“ЎЗДАВНЕФТГАЗИНСПЕКЦИЯ” МАЪМУРИЯТИ

**3. Пишган ғишт ишлаб чиқаришда замонавий энергия тежамкорлиги юқори
бўлган технологиялар асосида махсус печлардан фойдаланган
корхоналарга қўйилган
Т А Л А Б Л А Р**

1. Печларни газлаштириш лойиҳа-смета ҳужжатлари (техник-иқтисодий асоси, иссиқлик-механик қисми, назорат ўлчов асбоблари ва автоматика, газ таъминоти, иккиламчи иссиқликдан фойдаланиши, газни ҳисобга олиш ускунаси ва ҳоказо) нинг тўлиқ мавжудлиги.

2. Печларда сертификатланган ёрдамчи ускуналар, газ ёндиргичлар ўрнатилган бўлиши, назорат ўлчов воситалари ва автоматика билан таъминланиши, газ ҳисоблаш ускунаси ҳамда туннель ва халқасимон печларни ҳамда иккиламчи иссиқликдан фойдаланиши қурилмалари лойиҳа ҳужжатларга мослиги (ижро-техник ҳужжатлар, газ ўлчагичлар, газ ёндиргичлар ва бошқаларни паспорт ҳужжатлари, қурилиш-монтаж ишлари бўйича техник ҳужжатлар).

3. “Саноатгеоконтехназорат” ДИ ва “Ўздавнефтгазинспекция”нинг минтақавий бўлинмалари томонидан режим-созлаш ишларни ўтказиш учун берилган рухсатномалар.

4. Туннель ва халқали печларда қуритиш мосламаларида ишга тушириш ва режим-созлаш ишлари ўтказилганлиги тўғрисидаги техник ҳисоботлар.

5. Табiiй газни етказиб бериш ва қабул қилиш бўйича тузилган шартномалар кўриб чиқилади.

6. Пишган ғишт ишлаб чиқариш учун табиий газнинг солиштирма сарф меъёрлари 1000 дона ғишт учун “Пишган ғишт ишлаб чиқаришда табиий газнинг солиштирма меъёрлари ҳисоб-китоблари” методик қўлланмаси талаблари асосида ишлаб чиқилган бўлиши керак.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 майдаги ПҚ-3012-сон қарорининг 3-илоvasи 21-бандига асосан республика ҳудудидаги барча пишган ғишт, оҳак ва гипс ишлаб чиқарувчи корхоналар ва иссиқхоналарни 2017-2021 йиллар давомида босқичма-босқич муқобил ёқилғи турига (кўмир, кўмир брикети ва бошқалар) ўтказилиши белгиланган.

Манзил: 100007, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси 32а.

Телефонлар 8-371-267-28-17, 8-371- 267-53-89

Электрон манзили: info@uzngi.uz

Интернет манзили: www.uzngi.uz

“ЎЗДАВНЕФТГАЗИНСПЕКЦИЯ” МАЪМУРИЯТИ

4. Пишган ғишт ишлаб чиқарувчи корхона раҳбарларига ёқилғи ресурсларини тежаш бўйича тавсиялар

_____ корхонаси раҳбарига

Хурматли _____

Сизнинг корхонангизда пишган ғишт ишлаб чиқариш учун ўрнатилган печлар оддий печлар бўлиб 1000 дона ғишт ишлаб чиқаришга амалда фойдаланилаётган махсус печларга нисбатан 1,5-2,0 баробар кўп миқдорда ёқилғи сарф этилмоқда. Бу эса ўз навбатида махсулот таннархида ёқилғи улишини катта бўлишига олиб келади. Шу билан бирга пишган ғишт “маркаси” юқори бўлиши таъминланмаган.

Махсулот ишлаб чиқаришда ёқилғи сарфини камайтириш учун Сизнинг корхонангизда фойдаланишда бўлган оддий печларни махсус печларга, яъни ҳалқасимон ёки туннель печларга алмаштириш мақсадга мувофиқ..

Ҳалқасимон ва туннель печларнинг бошқа печлардан авфзаллиги куйидагилар:

- ғишт пиширишда кўмир ва газдан фойдаланиш мумкин;
- пишган ғишт маркаси оддий печларга нисбатан юқори бўлади;
- ғиштни “брак” чиқиш фоизи камаяди;

- печларда иккламчи иссиқликдан (пишган ғиштни совушидан чиққани иссиқ ҳаво хароратидан, пишириш зонасидан чиқаётган иссиқлик хароратидан) фойдаланиш имконияти мавжудлиги, печ деворларининг қалинлиги сабабли иссиқлик сақлаши юқори бўлиши ва иш тўхтовсиз равишда бўлиши натижасида ёқилғи сарфи оддий печларга нисбатан 1,5-2,0 баравар кам бўлишига эришиш мумкин.

Шу билан бирга пишган ғишт ишлаб чиқаришда ёқилғи сарфига ҳам ғиштнинг намлиги ҳам катта таъсир кўрсатади.

Ғиштни қолиплашда учта усулдан фойдаланилади:

1. Пластик усул, ғиштнинг намлиги – 24 фоиз;
2. Ярим қаттиқ усул, ғиштнинг намлиги – 15 фоиз;
3. Ярим куруқ усул, ғиштнинг намлиги – 8-10 фоиз.

Ғиштни пластик усулда қолиплашда 1000 дона ғишт таркибида 1152 кг сув бўлиб, бу сувни буғлатиш учун 97,92 кг. ш. ёқилғи, ярим қаттиқ усулда қолиплашда 1000 дона ғишт таркибида 720 кг сув бўлиб, бу сувни буғлатиш учун 61,2 кг. ш. ёқилғи ва ярим куруқ усулда қолиплашда 1000 дона ғишт таркибида 432 кг сув бўлиб, бу сувни буғлатиш учун 36,72 кг. ш. ёқилғи сарф бўлади.

Шунингдек, ғишт пиширишда ёқилғидан унумли фойдаланишда печларда стандарт газ ёндиргичлардан фойдаланиш, махсус ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган ғишт пишириш регламентига роия қилган ҳолда ишни ташкил этиш, ғиштни брак чиқиш ҳолатини камайтириш жиддий таъсир кўрсатади.

Хурматли _____

Юқорида келтирилган маълумотларни ўрганиб чиқиб ғишт пиширишда ёқилғи сарфини камайтиришга қаратилган чора-тадбирларни белгилашингизни ва ёқилғи сарфини камайтириш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида маълумотларни “Ўздавнефтгазинспекция”нинг _____ вилояти бўлимига тақдим этиб боришингизни ва “Ўздавнефтгазинспекция” газдан оқилона фойдаланишда Сизнинг корхонангиз билан ҳамкорликда ишлашга тайёрлигини маълум қиламиз.

Манзил: 100007, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси 32а.

Телефонлар 8-371-267-28-17, 8-371- 267-53-89

Электрон манзили: info@uzngi.uz

Интернет манзили: www.uzngi.uz

“ЎЗДАВНЕФТГАЗИНСПЕКЦИЯ” МАЪМУРИЯТИ

**5. Пишган ғишт ишлаб чиқаришда замонавий энергия тежамкорлиги юқори
бўлган технологиялар асосида махсус печлардан фойдаланган
корхоналарга хулосалар беришга қўйилган
Т А Л А Б Л А Р**

1. Хулосалар пишган ғишт ишлаб чиқаришда замонавий энергия тежамкорлиги юқори бўлган технологиялар асосида туннель ва халқасимон махсус печлар ўрнатилган корхоналарга берилади.

2. Хулоса бериш учун “Ўздавнефтвазинспекция”нинг худудий бўлими томонидан:

- печларни газлаштириш лойиҳа-смета ҳужжатлари (техник-иқтисодий асоси, иссиқлик-механик қисми, назорат ўлчов асбоблари ва автоматика, газ таъминоти, иккиламчи иссиқликдан фойдаланиши, газни ҳисобга олиш ускунаси ва ҳоказо) нинг тўлиқ мавжудлиги;

- печларда сертификатланган ёрдамчи ускуналар, газ ёндиргичлар ўрнатилган бўлиши, назорат ўлчов воситалари ва автоматика билан таъминланиши, газ ҳисоблаш ускунаси ҳамда туннель ва халқасимон печларни ҳамда иккиламчи иссиқликдан фойдаланиши қурилмалари лойиҳа ҳужжатларга мослиги (ижро-техник ҳужжатлар, газ ўлчагичлар, газ ёндиргичлар ва бошқаларни паспорт ҳужжатлари, қурилиш-монтаж ишлари бўйича техник ҳужжатлар);

- “Саноатгеоконтехназорат” ДИ ва “Ўздавнефтвазинспекция”нинг минтақавий бўлинмалари томонидан берилган рухсатномалари;

- туннель ва халқали печларда қуришиш мосламаларида ишга тушириш ва режим- созлаш ишлари ўтказилганлиги тўғрисидаги техник ҳисоботлар;

- табиий газни етказиб бериш ва қабул қилиш бўйича тузилган шартномалар кўриб чиқилади.

3. Пишган ғишт ишлаб чиқариш учун табиий газнинг солиштирма сарф меъёрлари 1000 дона ғишт учун “Пишган ғишт ишлаб чиқаришда табиий газнинг солиштирма меъёрлари ҳисоб-китоблари” методик қўлланмаси талаблари асосида ишлаб чиқилган бўлиши керак.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 майдаги ПҚ-3012-сон қарорининг 3-илоvasи 21-бандига асосан республика худудидаги барча пишган ғишт, оҳак ва гипс ишлаб чиқарувчи корхоналар ва иссиқхоналарни 2017-2021 йиллар давомида босқичма-босқич муқобил ёқилғи турига (кўмир, кўмир брикети ва бошқалар) ўтказиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилган бўлиши керак.

Манзил: 100007, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси 32а.

Телефонлар 8-371-267-28-17, 8-371- 267-53-89

Электрон манзили: info@uzngi.uz

Интернет манзили: www.uzngi.uz

“ЎЗДАВНЕФТГАЗИНСПЕКЦИЯ” МАЪМУРИЯТИ

6. Қозонхоналарида табиий газдан самарали фойдаланиш юзасидан Э С Л А Т М А

Республикамизда кўпгина ташкилот ва корхоналарда, айниқса социал соҳа объектларида манавий эскирган “Универсал”, “Энергия”, “Тула” ва бошқалар, шунингдек ностандар иситиш қозонларидан ҳозирги кунга қадар фойдаланиб келинмоқда. Ушбу қозонларни фойдалиий иш коэффициентлари энг юқориси билан 50-60 фоизни ташкил этади. Ушбу қозонлар ўрнига замонавий қозонларни жорий этиш табиий газ сарфини ва ёқилғи учун харажатларни 20-30 фоизгача камайтиришга олиб келади.

Самарасиз ва маънавий эскирган ускуналар рўйхати Буг ва сув иситиш қозонлари:

“Универсал”	ВГД “16/8; 28/8; 40/8”
“Универсал 3-4-5-6”	КВ “100-200-300”
СТВК,	“ВВД 80/13; 140/13; 200/13”
“Энергия 3-6”	“КРШ 2/8;4/13; 6,5/13”
“Тула 1-3”	“Шухова-Берлина А-2; А-3; А-5; А-7”
“КЧ 1-2-3”	“Ланкошир 2,5; 3,7”
“НР”	“Ламонт-28”
“НР 17-18”	“ЛМЗ-30”
“Шухова 1-2-3-4”	“ТМ-30”
“ШС- 1/8; 2/8; 3/8; 4/8”	“БГ 35-39”
“ММЗ-0,4/9; 0,8/9; 1,0/9”	“БГ-35-40” ва бошқалар
“ТМЗ 0,4/8; 0,8/8; 1,0/8”	
“Бабкок-Вилькокс 2,5; 4,5; 7,5; 15; 25”	

Изоҳ: “Иссиқлик энергиясини ишлаб чиқиш, узатиш учун ёқилғи, электр энергияси ва сув сарфларининг меъёрларини ҳамда иссиқлик юкламаларини, шунингдек технологик йўқотишларни аниқлаш тартиби тўғрисида Низоми” га 3-илова

Ҳурматли _____

Агар сизнинг корхонангизда номлари юқорида келтирилган турдаги қозонлар мавжуд бўлса уларни самарадорлиги юқори бўлган қозонларга алмаштириш ва ёқилғи сарфини камайтиришга қаратилган чора-тадбирларни белгилашингизни ҳамда олиб борилаётган ишлар тўғрисида маълумотларни “Ўздавнефтгазинспекция”нинг _____ вилояти ҳудудий бўлимига тақдим этиб боришингизни, шу билан бирга “Ўздавнефтгазинспекция”нинг _____ бўлими газдан оқилона фойдаланишда Сизнинг корхонангиз билан ҳамкорликда ишлашга тайёрлигини маълум қиламиз.

Илова: Ўзбекистон Республикасидаги қозон агрегатлари ва ёрдамчи қурилмаларни ишлаб чиқарувчи корхоналарни манзиллари бўйича маълумот

Т/р	Ташкилотларнинг номи	Ташкилотларнинг манзили	Телефонлари	Кохона раҳбарларининг Ф.И.Ш.
1	НПП «ISTAL»	г.Ташкент, ул.Олтин топган, 12	292-80-23 292-80-55 (факс) 330-96-18 101-10-36 101-10-37 -г.л.инж.	Талибжанов Рустам Садыкович Мухаметзянов Равиль Мазгутович гл.инж. Малахов Александр Алексеевич
2	ПО «ТАШТЕПЛОЭНЕРГ О», городское	г.Ташкент, улица Бинокор	227-08-34. 227-08-35	Ген.дир. Азимжонов Шовкат гл.инж.

	отделение			Курбанбеков Бахром
3	Узбекско- Американское СП «Узбек Бойлер»	г.Ташкент, ул.А.Абдуллаева, 4	250-43-98 250-52-05 (факс)	Утеков Ураз Утекович
4	НПП «ЭНКОМ»	г.Ташкент, ул.Навои, 40	242-27-28 230-51-81 (завод) 111-35-27	Исомиддинов Шавкат
5	ООО «Chirchik STEMP»	Ташкентская область, г.Чирчик, ул.Кангли, 16а	(+99870) 537-07-48 (+99897) 711-58-65 8-(370-71) 5-61-73 8-(370-71) 5-47-91 8-(370-71) 5-59-87	Абдухамидов Тимур Фархадович
6	ЗАО «Евро-Азия- Капитал УЗБ» СП с заводом «Коммунальник»	г.Самарканд, ул.Багдад, 26	В г.Ташкенте тел: 343-27-03 сот. 8-(366) 229-23-00 8-(366) 229-04-83 8-(366) 229-04-09 (факс) 8-(366) 229-41-62	Председатель правления Хакимов Эркин Бахреддинович
7	ООО «EVRAZIYA- CAPITAL UZB»	г.Ташкент, ул.Ниёзбек йули, 1	-	Хужаяров Муртаза Эштемирович
8	ОАО «Ўзкоммуниссиқликта Ъмир»	г.Ташкент, м-в Юнус-Абад, квартал 17, строение 18	223-95-38 225-67-96 (факс)	Торопова Людмила Николаевна
9	СП «BRUZ-PI» Теплотехнический инжиниринг	г.Ташкент, ул.Алмазар, д.№ 167		Убайдуллаев Шавкат Гайбуллаевич
10	ARABBOY Co	г.Ташкент, ул.Шералиева, д.№ 27	237-23-04, 237-12-62 237-12-70 (факс)	Арапов Дехконбой
11	ООО «Қишлоққурилишлойи ха»	г.Ташкентг128, ул.АКодири-7	241-64-82 241-64-79	Умаров Азиз Мирфайзиевич гл.инж. Штейберг Борис Григорьевич
12	ООО «Rational Resurs»	Ташкентская обл. п.Кибрай, ул.Навои 186	+99897 786-50-09 +99897 456-26-16 8 (370) 956-20-65 - факс E – mail: rat_res@mail.ru	Директор Умарова Галина Бекмурадовна

Манзил: 100007, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси 32а.

Телефонлар 8-371-267-28-17, 8-371- 267-53-89

Электрон манзили: info@uzngi.uz

Интернет манзили: www.uzngi.uz

“ЎЗДАВНЕФТГАЗИНСПЕКЦИЯ” МАЪМУРИЯТИ

7. Қозонларни мукамал ва жорий таъмирлаш ишлари бўйича Э С Л А Т М А Л А Р

I. Қозонларда мукамал таъмирлаш ишларини олиб бориш тартиби (иситиш сатҳини 25 фоиздан ортиғини таъмирлаш зарур бўлганда қозонларда мукамал таъмирлаш ишлари бажарилади).

1.1. Қозонлар ва ёрдамчи асбоб-ускуналари махсус ташкилот томонидан текширилиб, далолатнома ва таъмирлаш ишларини олиб бориш юзасидан хулоса олинади.

1.2. Берилган хулосага асосан, мукамал таъмирлаш дастури ишлаб чиқилади.

1.3. Дастурга асосан мукамал таъмирлаш ишлари бажарилади.

1.4. Қозонни газ, сув ва электр таъминотидан узилади.

1.5. Қозон қопламаси демонтаж қилинади.

1.6. Қозонни ишлаб чиқарган завод чизмасига биноан иситиш юзасини тайёрлаш ишлари амалга оширилади. (қозони таркибий қисми).

1.7. Нуқсон (дефект) далолатномасига мувофиқ қозоннинг ички қисмидаги қувурлар демонтаж қилинади.

1.8. Ўйғув ишларини олиб бориш билан бирга қувурлар (барабанлар, коллекторлар ва бошқалар) қайта тикланади.

1.9. Қозонни эскирган ички қувурлари ўрнига янги қувурлар ўрнатилади.

1.10. Қозон “Саноатгеоконтехназорат” давлат инспекцияси томонидан кучли сув босими остида текширилади ва қозонни устки қисimini қоплаш ишларини олиб боришга рухсат олинади.

1.11. Қозонни изоляциялаш ишлари қозонни ишлаб чиқарувчи завод томонидан белгиланган талаблар бўйича олиб борилади.

1.12. Қозон газ, сув ва электр таъминоти тармоқларига уланади.

1.13. “Саноатгеоконтехназорат” давлат инспекциясидан ишга тушириш-созлаш ва режим-созлаш синовларини ўтказишга рухсат олинади ва ишга тушириш-созлаш ишлари олиб борилади.

Изоҳ: Мукамал таъмирлаш ишлари “Саноатгеоконтехназорат” давлат инспекциясидан қозонларни иситиш юзаларини ясашга (тайёрлашга) ва мукамал таъмирлаш ишларини олиб боришга рухсати бўлган ташкилот томонидан олиб борилади.

II. Қозонларда жорий таъмирлаш ишларини олиб бориш тартиби.

2.1. Қозонларни ва қозонхона ёрдамчи асбоб ускуналарини жорий таъмирлаш ишларини олиб бориш учун, ушбу ишларни бажаришга ваколати бўлган ташкилот томонидан қозонлар текширилиб далолатнома ва жорий таъмирлаш ишларини олиб бориш юзасидан хулоса олинади.

2.2. Берилган хулосага асосан жорий таъмирлаш дастури ишлаб чиқилади.

2.3. Дастурга асосан жорий таъмирлаш ишларини бажарилади.

2.3.1. Қозонни кучли сув босими остида синалиб пишиқ (махкам) бўлмаган жойлари аниқланади ва баргараф этилади.

2.3.2. Қозон ювилади. Қозон ички юзасидаги куйқум, шлаклардан тозаланади ва олиб ташланади.

2.3.3. Ёндиргич (горелка) қурилмаси текширилади ва таъмирланади.

2.3.4. Қозонни арматуралари текширилади ва таъмирланади.

2.3.5. Қозон кучли сув босими остида (гидравлик) текширилади.

2.3.6. Қозонни изоляция қопламаси қисман таъмирланади.

2.3.7. Ишга тушириш-созлаш ишлари олиб борилади.

Манзил: 100007, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси 32а.

Телефонлар 8-371-267-28-17, 8-371- 267-53-89

Электрон манзили: info@uzngi.uz

Интернет манзили: www.uzngi.uz

“ЎЗДАВНЕФТГАЗИНСПЕКЦИЯ” МАЪМУРИЯТИ

8. Маънавий эскирган ва самарасиз қозонларни алмаштириш ҳамда локализация қилиш бўйича ташкилот ва муассаса раҳбарларига

Э С Л А Т М А

1. Маънавий эскирган ва самарасиз қозоналарни алмаштириш ишларини тартибга солиш мақсадида “Ўздавнефтгазинспекция” буюртмасига асосан, “Ўзқишлоқлойиха” институти томонидан ишлаб чиқилган намунавий лойиҳадан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Маънавий эскирган ва самарасиз қозоналарни алмаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сон қарори 2 илова билан тасдиқланган “Табиий газдан фойдаланиш қоидалари”нинг талаблари бажарилиши керак.

2. Қозонларни ўрнатиш, қурилиш ва газ монтаж ишларини бажариш ихтисослашган махсус корхона томонидан амалга оширилади.

3. Газ қувурлари, газ тақсимлаш пунктлари, иситиш қозонлари, газ ҳисоблагич, назорат ўлчов асбоблари, хавфсизлик ва меъёрлаш автоматикасини монтаж қилиш ишлари ҚМҚ 2.04.08-96 талаблари асосида амалга оширилади.

4. Давлат стандартдан ўтмаган ясама қозонларни ва ёрдамчи қурилмаларни ўрнатилиши қатъиян ман этилади.

Манзил: 100007, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси 32а.
Телефонлар 8-371-267-28-17, 8-371- 267-53-89

Электрон манзили: info@uzngi.uz

Интернет манзили: www.uzngi.uz

“ЎЗДАВНЕФТГАЗИНСПЕКЦИЯ” МАЪМУРИЯТИ

**9. Қурилиш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш тугалланганда ёқилғидан
фойдаланувчи корхоналар (қурилмаларга) асбоб-ускуналарни комплекс синаб кўриш,
режим-созлаш ишлари учун газ узатишга рухсатнома олиш учун
ЭСЛАТМА**

Рухсатнома олиш бўйича мурожаат хатини кўриб чиқиш муддатлари

1. “Ўздавнефтвазинспекция”нинг ҳудудий бўлим бош технологи номига 1-сон шакл асосида мурожаат хати келиб тушган кундан бошлаб, 3 кун муддат ичида режим-созлаш ишлари амалга оширилиши кўзда тутилган объектда минимал талаблар асосида техник кўрик ўтказиш юзасидан йўналишга масъул бўлган ходимга ёзма кўрсатма беради.

2. Инспекциянинг ҳудудий бўлими мутахасиси томонидан 3 кун муддат ичида хўжалик юритувчи субъектга тегишли объектда техник кўрик ўтказилиб, объектни режим-созлаш ишлари учун табиий газ олишга тайёрлиги бўйича 2 (икки) нусхада маълумотнома расмийлаштирилади.

3. Техник кўрик ўтказилган объектда камчиликлар аниқланган тақдирда, салбий маълумотнома расмийлаштирилиб, аниқланган камчиликларни бартараф қилиш учун хўжалик юритувчи субъектга маълумотноманинг бир нусхаси колдирилади.

4. Дастлабки техник кўрик даврида аниқланган камчиликлар бартараф қилинган, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан қайта кўрик ўтказиш юзасидан инспекциянинг ҳудудий бўлими бош технологи номига 1-сон шакл асосида қайта мурожаат хати топширилади.

5. Инспекциянинг ҳудудий бўлими томонидан, мурожаат хати олинган кундан бошлаб 3 (уч) муддат ичида қайта техник кўрик ўтказилиши талаб этилади.

6. Техник кўрик натижасида ваколатга кирувчи масалалар бўйича камчилик аниқланмаган тақдирда 2(кун)гача бўлган муддатда режим-созлаш ишларига табиий газ берилиши юзасидан 2-сонли шаклда кўрсатилган РУХСАТНОМА расмийлаштириб берилади.

Хатни (аризани) кўриб чиқилганлиги учун йиғим (тўлов)

Қурилиш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш тугалланганда ёқилғидан фойдаланувчи корхоналар ва нефть-газ технологик объектлари (қурилмаларга) асбоб-ускуналарни комплекс синаб кўриш, режим-созлаш ишлари учун газ узатишга РУХСАТНОМА олиш учун берилган хатни (аризани) кўриб чиқилганлиги учун йиғим (тўлов) олинмайди.

Рухсатнома бериш ҳуқуқи берилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат

“Ўздавнефтвазинспекция”га қурилиш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш тугалланганда ёқилғидан фойдаланувчи корхоналар ва нефть-газ технологик объектлари (қурилмаларга) асбоб-ускуналарда режим-созлаш ишлари учун газ узатишга рухсатнома бериш ҳуқуқи, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 13 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 328-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси тўғрисида НИЗОМ” ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сон қарори 2 илова билан тасдиқланган “Табиий газдан фойдаланиш қоидалари”нинг 42- банди асосида берилган.

Мурожотнома (ариза) намунаси

(штамп)

“Ўздавнефтвазинспекция” нинг
_____ худудий бўлим
бош технологи _____ га

_____ қарашли
(корхона номи)

_____ жойлашган
(жойлашган манзили)

_____ да ўрнатилган
(рухсатнома олинishi лозим бўлган объект номи)

_____ да
(қурилмалар номи ва сони)

қурилиш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ишлари яқунланганлигини инобатга олиб,
асбоб ускуналарни синаб кўриш ва режим-созлаш ишлари учун табиий газ узатишга рухсат
беришингизни сўрайман.

(корхона номи, лавозими)

ИМЗО

(ф.и.о.)

ХУДУДИЙ БЎЛИМ БЛАНКИ

201__ йил «__» _____
№ _____

«_____»
корхона ёки ташкилот номи
(_____)
газтаъминот корхонасига

Синов- созлаш ишларини ўтказиш учун
Табиий газдан фойдаланиш бўйича

Р У Х С А Т Н О М А № _____

_____ вилоят (шаҳар), _____ тумани, _____ кўчаси, _____-уйда
жойлашган «_____» қарашли ишлаб
корхона ёки ташкилотноми
чиқариш _____ цехида _____ ўрнатилган

(газ жиҳозлар сони, тури ва русуми)

_____ «газтаъминот корхонаси» 20__ йил «__» _____
даги _____-сонли техник шартига асосан ҳамда тақдим этилган ҳужжатларга биноан, тегишли
тартибда ушбу газ жиҳозида **шартнома** асосида ёнғин хавфсизлиги, меҳнат муҳофазаси,
хавфсизлик техникаси, ҚМК қоидаларига риоя этилган ҳолда синов-созлаш ишларини
ўтказиш ҳамда табиий газдан фойдаланишга рухсат этилади.

«Ф.И.Ш» _____
_____ худудий
бўлими бош технологи / _____/

Манзил: 100007, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси 32а.
Телефонлар 8-371-267-28-17, 8-371- 267-53-89
Электрон манзили: info@uzngi.uz

Интернет манзили: www.uzngi.uz

“ЎЗДАВНЕФТГАЗИНСПЕКЦИЯ” МАЪМУРИЯТИ

10. КОРХОНАЛАРДА ГАЗНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ПРИБОРЛАРИНИ ТЕКШИРУВДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

1. Ўзбекистон Республикаси ўлчов воситалари давлат реестрига киритилган газни ҳисобга олиш приборлари давлат метрология текширувидан ўтказилади.

2. Истеъмолчилар томонидан фойдаланилаётган газни ҳисобга олиш приборлари: **даврий текширувдан** — газни ҳисобга олиш приборларини текширувдан ўтказишнинг амал қилиш муддати тугаганда;

навбатдан ташқари текширувдан — газни ҳисобга олиш приборларининг текширувдан ўтказилганлигини тасдиқловчи пломбаси шикастланганда ёки қайта созлаш ишларини ўтказиш зарурати вужудга келганда;

эксперт текширувдан — газни ҳисобга олиш приборларининг созлиги ёки уларнинг қўллашга яроқлилиги, метрологик тавсифлари бўйича мунозарали саволлар туғилганда ўтказилади.

3. Газни ҳисобга олиш приборлари қуйидаги ораликда даврий текширувдан ўтказилади:

юримдик шахслар — 2 йилда 1 марта (АВТОПИЛОТ ВА ФЛОБУС русумли газ ҳисоблагичлар бундан мустасно).

Фойдаланилмаган газни ҳисобга олиш приборларининг даврий текширувдан ўтказиш муддатлари ўтиб кетган тақдирда, улардан белгиланган тартибда текширувдан ўтказилгандан сўнг фойдаланиши мумкин.

4. Газни ҳисобга олиш приборларини текширувдан ўтказиш давлат метрология хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

5. Тегишли ҳудуддаги газ таъминоти корхонаси газни ҳисобга олиш приборини даврий текширувдан ўтказишнинг амал қилиш муддати тугашидан ўттиз кун олдин истеъмолчини газни ҳисобга олиш приборини даврий текширувдан ўтказиш зарурлиги ҳақида ёзма равишда огоҳлантиради. Тегишли ҳудуддаги газ таъминоти корхонаси раҳбари газни ҳисобга олиш приборини даврий текширувдан ўтказиш зарурлиги ҳақида истеъмолчиларнинг ўз вақтида огоҳлантирилиши учун масъулдир.

6. Истеъмолчи газни ҳисобга олиш приборини текширувдан ўтказиш учун уни ечишни сўраб тегишли ҳудуддаги газ таъминоти корхонасига ариза билан мурожаат қилади.

7. Газни ҳисобга олиш приборини эксперт текширувдан ўтказиш учун суриштирув, тергов, прокуратура органлари ёхуд суднинг қарори ёки ажримига асосан ечиб олинishi мумкин.

8. Газни ҳисобга олиш приборларини текширувдан ўтказиш учун ечиб олиш тегишли ҳудуддаги газ таъминоти корхонасининг мутахассислари томонидан амалга оширилади.

9. Тегишли ҳудуддаги газ таъминоти корхонасининг мутахассиси ариза берилгандан сўнг, беш иш куни ичида газни ҳисобга олиш приборини текширувдан ўтказиш учун истеъмолчи иштирокида ечиб олади.

10. Газни ҳисобга олиш приборини ечиб олиш вақтида тегишли ҳудуддаги газ таъминоти корхонасининг мутахассиси истеъмолчи иштирокида газни ҳисобга олиш приборининг ўрнатилган пломбалари бутлигини текширади.

11. Газни ҳисобга олиш приборининг ўрнатилган пломбалари бут бўлган тақдирда, газни ҳисобга олиш прибори ечиб олинади ва икки нусхада 1 иловадаги шаклда газни ҳисобга олиш приборининг ечиб олинганлиги тўғрисида далолатнома тузилади. Мазкур далолатноманинг бир нусхаси газни ҳисобга олиш прибори билан бирга истеъмолчига берилади.

**Газни ҳисобга олиш приборининг
ечиб олинганлиги тўғрисида
ДАЛОЛАТНОМА**

Истеъмолчи рақами _____

_____ 201_ йил « ____ » _____
(истеъмолчи Ф.И.О.)

Мен, _____ вакили
(газ таъминоти корхонаси филиали ва бўлимнинг номи)

_____ (вакил Ф.И.О.)

истеъмолчи _____ иштирокида

« ____ » _____ 201_ йилда истеъмолчига тегишли бўлган _____
_____ газни ҳисобга олиш приборининг

(газни ҳисобга олиш приборини тури, номи, ишлаб чиқариш жойи, рақами)

ечиб олинганлиги ва текширувдан ўтказиш учун истеъмолчининг қўлига берилганлиги ҳақидаги мазкур
далолатномани туздим.

Газни ҳисобга олиш приборини кўрсаткичи _____ м³ ни ташкил қилади.

Газни ҳисобга олиш прибори кўрикдан ўтказилганда _____
_____ аниқланди.

Газни ҳисобга олиш приборидан _____-сонли пломбалар ечиб олинди.

Истеъмолчи газни ҳисобга олиш приборини текширувдан ўтказиш учун мазкур далолатноманинг бир нусхаси билан
бирга топшириши керак.

Истеъмолчи газни ҳисобга олиш приборисиз тармоққа _____ ди.

(уланди ёки уланмади)

Газ таъминоти
корхонасининг
масъул ходими:

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

Далолатнома билан танишдим: _____

(истеъмолчининг имзоси)

_____ (истеъмолчининг
Ф.И.О.)

12. Истеъмолчи текширувдан ўтказилган газни ҳисобга олиш приборини ўрнатиш учун
тегишли ҳудуддаги газ таъминоти корхонасига ариза билан мурожаат қилади.

13. Тегишли ҳудуддаги газ таъминоти корхонаси ариза қабул қилингандан сўнг икки кун
ичида газни ҳисобга олиш приборини ўрнатиб бериши лозим. Тегишли ҳудуддаги газ таъминоти
корхонасининг мутахассиси газни ҳисобга олиш приборини ўрнатишдан олдин унинг
текширувдан ўтказилганлиги ҳақидаги сертификатнинг мавжудлиги ва пломбаларининг
буглигини текширади.

Истеъмолчи тегишли ҳудуддаги газ таъминоти корхонасининг мутахассисига газни
ҳисобга олиш приборининг текширувдан ўтказилганлиги ҳақидаги сертификат нусхасини тақдим
қилиши лозим.

14. Тегишли ҳудуддаги газ таъминоти корхонаси мутахассиси газни ҳисобга олиш
приборини ўрнатгандан сўнг, истеъмолчини газ тармоғига улаш штуцерларини пломбалайди ва
икки нусхада **2-иловага** мувофиқ шаклда далолатнома тузади ҳамда далолатноманинг бир
нусхасини истеъмолчига беради.

**Газни ҳисобга олиш приборини ўрнатиш ҳақида
ДАЛОЛАТНОМА**

_____ 201_ йил « ____ » _____
(истеъmolчи манзили)

Мен, _____ масъул ходим
(газ таъминоти корхонаси филиали ва бўлимнинг номи)

(Ф.И.О.)
истеъmolчи _____ билан
(истеъmolчи Ф.И.О.)

истеъmolчига тегишли бўлган _____
(газни ҳисобга олиш приборини тури, номи, ишлаб чиқариш жойи, рақами)

газни ҳисобга олиш приборининг газ тармоғига ўрнатилганлиги ҳақидаги мазкур далолатномани туздим.

Газни ҳисобга олиш прибори техник текширишдан ўтказилганда _____
_____ аниқланди.

Газ тармоғига ва газни ҳисобга олиш приборига _____ рақамли пломбалар ўрнатилди.

Газ таъминоти
корхонасининг
масъул ходими:

(имзо)

(Ф.И.О.)

Далолатнома билан танишдим: _____

(истеъmolчининг имзоси)

(истеъmolчининг
Ф.И.О.)

15. Газни ҳисобга олиш прибори ўрнатилгандан сўнг, газни ҳисобга олиш прибори рўйхатга олинади ва фойдаланилган газ газни ҳисобга олиш приборининг кўрсаткичига мувофиқ ҳисобланади.

Манзил: 100007, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси 32а.

Телефонлар 8-371-267-28-17, 8-371- 267-53-89

Электрон манзили: info@uzngi.uz

Интернет манзили: www.uzngi.uz

“ЎЗДАВНЕФТГАЗИНСПЕКЦИЯ” МАЪМУРИЯТИ

11. Ёқилғига бўлган ойлик, чораклик ва йиллик талаб миқдорини ҳисоблаш юзасидан ЭСЛАТМА

Маълум бир давр учун талаб этиладиган ёқилғи миқдорини ҳисоблашда ишлаб чиқарилган маҳсулот ва шу маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун белгиланган сарф меъёридан фойдаланилади.

Ёқилғига бўлган эҳтиёж ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдори ёқилғи сарфи меъёрига кўпайтирилади.

Ёқилғи сарфи меъёри 1 тонна оҳак ишлаб чиқариш учун тн/м.куб табиий газ (ёки тн/кг.ш.ё.), ғишт ишлаб чиқариш учун 1000 дона/м.куб табиий газ (ёки 1000 дона/кг.ш.ё.), иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш учун 1 Гкал/м.куб табиий газ (ёки 1 Гкал/кг.ш.ё.), электр энергияси ишлаб чиқариш учун 1 кВт/грамм кўринишида белгиланади.

Масалан:

1. Бир йилда 1000 тонна оҳак ишлаб чиқариш учун қанча ёқилғи талаб этилишини ҳисоблаш.

1 тонна оҳак ишлаб чиқариш учун 114 метр куб табиий газ табиий газ сарф этилиши белгиланган.

Табиий газга бўлган йиллик эҳтиёж = 114 (метр куб) x 1000 (тонна) = 114000 метр куб (ёки 114 минг метр куб).

2. 10000000 дона пишган ғишт ишлаб чиқариш учун қанча ёқилғи талаб этилишини ҳисоблаш.

1000 дона ғиштга ёқилғининг сарф меъёри 300 метр куб табиий газ табиий газ сарф этилиши белгиланган.

Табиий газга бўлган йиллик эҳтиёж = 300 (метр куб) x 10000 (дона) = 3 000 000 метр куб (ёки 3 млн метр куб).

3. 5000 Гкал иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш учун қанча ёқилғи талаб этилишини ҳисоблаш.

1Гкал иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш учун 135 метр куб табиий газ табиий газ сарф этилиши белгиланган.

Табиий газга бўлган йиллик эҳтиёж = 135 (метр куб) x 5000 (Гкал) = 675 000 метр куб (ёки 675 минг метр куб).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сон қарори 2 илова билан тасдиқланган “Табиий газдан фойдаланиш қоидалари”нинг 2-боб. 100 кВт дан ортиқ қувватга эга бўлган газдан фойдаланиш ускуналарини ишлатадиган истеъмолчилар томонидан табиий газдан оқилона, хавфсиз фойдаланиш ва уни нормалашнинг.

132-банди. Табиий газни сарфлаш нормалари истеъмолчи томонидан тасдиқланади ва газдан самарали ва оқилона фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқиши, такомиллаштирилиши керак.

Манзил: 100007, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси 32а.

Телефонлар 8-371-267-28-17, 8-371- 267-53-89

Электрон манзили: info@uzngi.uz

Интернет манзили: www.uzngi.uz

“ЎЗДАВНЕФТГАЗИНСПЕКЦИЯ” МАЪМУРИЯТИ

12. Газдан оқилона, хавфсиз фойдаланиш ва уни нормалаш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сон қарори 2 илова билан тасдиқланган “Табиий газдан фойдаланиш қоидалари”нинг 12-боб. 100 кВт дан ортиқ қувватга эга бўлган газдан фойдаланиш ускуналарини ишлатадиган истеъмолчилар томонидан табиий газдан оқилона, хавфсиз фойдаланиш ва уни нормалаш белгиланган.

Қуйидаги қарор талабларига риоя этиш сизга табиий газ иқтисодини ва ишлаб чиқараётган маҳсулотингиз тан нархини арзон бўлишига хизмат қилади.

Газдан оқилона, самарали ва хавфсиз фойдаланиш юзасидан давлат назоратининг амалга оширилиши истеъмолчиларни фойдаланилаётган газ хўжаликларининг ҳолатини техник жиҳатдан назорат қилиш ҳамда газдан хавфсиз фойдаланиш нормалари ва қоидаларига, газдан фойдаланиш ускунасидан газдан оқилона ва самарали фойдаланиш бўйича техникавий фойдаланиш қоидаларига риоя этиш бўйича жавобгарликдан озод қилмайди.

Юридик шахс ташкил этмасдан яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи (газдан фойдаланиш ускунасининг белгиланган қуввати 100 кВт.дан кўп бўлган) корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, жисмоний шахслар ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (газдан фойдаланилган ҳолда) ёки бажарилаётган ишлар (хизматлар) бирлигига натура ҳолида ва шартли равишда ҳисобланган газ сарфининг тасдиқланган нормаларига эга бўлишлари керак.

Ишлаб чиқаришнинг барча даражаларида газ сарфини нормалаш амалдаги нормалар ва қоидаларга мувофиқ амалга оширилади.

Газдан фойдаланиш ускуналарини ишлатадиган ташкилотлар ушбу ускуна учун газ сарфининг индивидуал нормаларига эга бўлиши, улар мавжуд бўлмаганда эса, лойиҳалаш ёки ихтисослаштирилган ташкилотларни жалб этган ҳолда, уларнинг техникавий асосланган нормаларини ишлаб чиқиши керак.

ЁЭРни текширишлар натижалари бўйича энергоаудиторлар томонидан ЁЭРдан фойдаланишдаги қоида бузилишларини бартараф этиш бўйича тавсиялар ҳамда техник имконият мавжуд бўлганда, иккиламчи энергетика ресурсларидан фойдаланган ҳолда, улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий-техник тадбирлар рўйхати бериледи.

Газ сарфи нормалари истеъмолчи томонидан тасдиқланади ва газдан самарали ва оқилона фойдаланилишини ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқиши, такомиллаштирилиши керак.

Йил мобайнида тасдиқланган нормаларни қайта кўриб чиқиш ускуналар алмаштирилган ёки реконструкция қилинган, буюмлар турлари, фойдаланиладиган хом ашё таркиблари ўзгарган ҳолларда, газ сарфининг ўзгаришига сабаб бўлган ЁЭРни тежаш бўйича ташкилий-техник тадбирлар бажарилишини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Газ сарфи нормаларига риоя қилиниши ҳамда газдан самарали ва оқилона фойдаланилиши юзасидан ички назорат ташкилотларнинг раҳбарлари томонидан амалга оширилади.

Манзил: 100007, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси 32а.

Телефонлар 8-371-267-28-17, 8-371- 267-53-89

Электрон манзили: info@uzngi.uz

Интернет манзили: www.uzngi.uz

“ЎЗДАВНЕФТГАЗИНСПЕКЦИЯ” МАЪМУРИЯТИ

13. Энергетика текширувлари ўтказиш.

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелдаги 412-І-сонли энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисидаги қонуннинг 13-моддасида Энергетика текширувларни ўтказиш белгиланган.

Энергетика текширувлари энергия ҳосил қилиш ва уни сарфлаш самарадорлигини баҳолаш мақсадида ўтказилади.

Ҳар йили умумий ҳажми олти минг тоннадан ортиқ шартли ёқилғи ёки бир минг тоннадан ортиқ мотор ёқилғисига тенг энергия ресурсларини сарфлайдиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар мажбурий энергетика текширувларидан ўтказилади.

Энергетика текширувларини ўтказиш тартиби ва муддатларини Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сон қарори 2 илова билан тасдиқланган “Табиий газдан фойдаланиш қоидалари”нинг 12-боб, 131-бандида Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Ёқилғи-энергетика ресурслари истеъмолчиларини энергетика текширувидан ва экспертизадан ўтказиш қоидаларига мувофиқ истеъмолчилар ташкилотларни (энергия аудиторларини) жалб этган ҳолда ёқилғи-энергетика ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш мақсадида энергетика текширувини ўтказиши керак.

Ёқилғи-энергетика ресурсларидан ёки улар турларидан ҳар бирининг жами истеъмоли йилига икки минг тоннадан ортиқ шартли ёқилғини ташкил қиладиган истеъмолчилар энергетика текширувларидан мажбурий ўтказилиши керак.

Ёқилғи-энергетика ресурсларини энергетика текшируви натижалари бўйича энергия аудиторлари томонидан ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланишдаги қоида бузилишларини бартараф этишга доир тавсиялар ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий-техник тадбирлар рўйхати техник имкониятлар мавжуд бўлганда иккиламчи энергетика ресурсларидан фойдаланган ҳолда берилади.

(89-банднинг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 24 майдаги 175-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2016 й., 21-сон, 239-модда)

Ташкилот ва корхоналарда энергетика текширувларини ўтказадиган ихтисослаштирилган (энергоаудит) ташкилотлар РҲЙХАТИ

т/р	Корхона ёки ташкилот номи	Жойлашган манзили, уланиш телефонлар рақами
1	“Ўзбекэнерго” АЖ Илмий-техника маркази МЧЖ (собиқ Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси “Энергетика ва автоматика” институти)	Тошкент ш., 100125, Академик шаҳарчаси, Do‘rmon yo‘li кўчаси, 29, тел. 262-05-22, 262-05-22, 262-09-19 (факс)
2	“Ўзэнергосозлаш” УК	Тошкент ш., Бунёдкор шох кўчаси, 23, тел. 277-66-68, 277-67-67 (факс)
3	«Химическая группа «ОСНОВА» МЧЖ ГК “Миррико” (Тошкент ш.)	Россия Федерацияси, Татарстон Республикаси, Қозон ш., Островский кўчаси, 84, тел. 526-00-07 Тошкент ш.. тел. (+99894) 172-21-11. (+99894) 671-21-11 (Алишер Султанов)
4	“O‘zbekiston Energomarkazi” МЧЖ	Тошкент ш., Istiqlol кўчаси, 6, тел.(+99871) 236-67-55, 233-08-15 (факс)

5	“ORGRES” OAJ	Тошкент ш., Муқими кўчаси, 190, тел.(+99871) 278-95-90, 288-51-09, 288-51-07, 278-31-42, 278-95-90 (факс)
6	“Энергетика ишлари” Илмий ишлаб чиқариш корхонаси	Тошкент ш., Яккасарой тумани, Қушбеги кўчаси, 6, тел.(+99898) 314-45-54
7	“Ўзнефтегазинформатика” OAJ	Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 32а, тел.(+99871) 267-68-84, 267-29-17 (факс)
8	“Политех” Илмий ишлаб чиқариш корхонаси	Тошкент ш., Мустақиллик кўчаси, 22/15, тел.(+99871) 237-33-95, 237-33-11, 237-30-20
9	“UZ-HELAMIN” VX	Тошкент ш., Бунёдкор шоҳ кўчаси, 23, тел/факс: 273-93-00, 273-93-11
10	“MAXSUSENERGOGAZ” OAJ	Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 32а, тел.(+99871) 268-62-12, 268-50-38, 268-22-44 (факс)
11	“ENERGOGAZSERVIS” MЧЖ	Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 32а, тел.(+99871) 268-63-13, (+99871) 267-63-59 (факс)
12	“ENERGO TEJASH” хусусий корхонаси	Тошкент ш., Миробод тумани, Амир Темур кўчаси, 13А, тел. 232-18-40
13	“Tashkent technical university named after ABU RAIKHAN BERUNI”	Тошкент ш., 100095, Universiti кўчаси, 2, тел.246-46-00, 227-10-32 (факс)
14	Тармоқлараро стратегик инновациялар ва ахборатлаштириш Маркази (Межотраслевой Центр стратегических инноваций и информатизации)	Тошкент ш., 100095, Universiti кўчаси, 2, тел.227-10-06, (+99890) 189-34-67
15	“ENERGOBEST” MЧЖ	Тошкент ш., Сайрам кўчаси,39-А, тел.(+99871) 268-12-96, (+99890) 947-51-33
16	“ELEKTRIK NORMS” MЧЖ	Тошкент ш., 100100, Шохжаҳон кўчаси, 12”А”, тел. (+99895) 195-50-91
17	“ENERGOSANES TECHNOLOGY” MЧЖ	Тошкент ш., 100000. Мустақиллик кўчаси, 88, тел. (+99871) 237-48-76, (+99871) 237-48-78 (факс)
18	"ENERGO CONTACT" MЧЖ	Тошкент ш., 100058, Юнусобод тумани, Боғи шамол кўчаси, 201, тел. (+99893) 584-14-73
19	"Фарғона Электр Монтаж Осие Сервис" Хусусий корхона	Фарғона ш., Али-Қушчи кўчаси, тел. (+99890) 274-09-05, (+99894) 654-23-97

20	“RATSIONALNOE TOPLIVO ENERGO POTREBLENIE KONSAL PROEKT” MЧЖ	Тошкент ш., Абдулла Қодирий кўчаси, 7а, тел. 241-19-20, (+99893) 501-21-51
21	“НП ЭСАН” МЧЖ	Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Тошкент ИЭС қурғони тел: 260-30-50, 260-30-51, 260-30-52, 260-46-40 (факс)
22	“N-COM CENTRAL AZIA” МЧЖ	Тошкент ш., Юнусобод тумани, Марказ - 4, 29/1 ва 4, тел. (+99871) 234-08-25, 234-08-49, 234-08-52,
23	“Navro'z-FT” МЧЖ	Тошкент ш., Усто Ширин кўчаси, 21 уй, тел. (+99871) 244-28-98, (+99871) 244-28-97
24	“ELEKTROMONTAJSOZLASH” хусусий корхонаси	Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Саховат кўчаси, 2/А, тел: (+99890) 254-01-63 (директор – Саидмухтар Мехманов)
25	“CONSULT-ENERGY” МЧЖ	Тошкент ш., Шайхонтахур тумани, М.Уйғур кўчаси, 314, тел. (+998 981) 366-88-87, (+998 98) 128-27-40, (+998 90) 168-27-40

Манзил: 100007, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси 32а.

Телефонлар 8-371-267-28-17, 8-371- 267-53-89

Электрон манзили: info@uzngi.uz

Интернет манзили: www.uzngi.uz

“ЎЗДАВНЕФТГАЗИНСПЕКЦИЯ” МАЪМУРИЯТИ

14. Газ таъминотининг лойиҳа-техник ҳужжатларига қўйиладиган талаблар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сон қарори 2 илова билан тасдиқланган “Табиий газдан фойдаланиш қоидалари”нинг 5-боб. Ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи, ижтимоий ва стратегик аҳамиятга эга истеъмолчиларни газ тармоқларига улаш учун ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби.

Газ таъминотининг лойиҳа-техник ҳужжатларида қуйидагилар мавжуд бўлиши керак:

- тушунтириш хати;
- иссиқлик-механика қисми;
- технология қисми;
- назорат-ўлчов приборлари ва автоматика қисми;
- газ таъминоти қисми;
- резерв ёқилғи хўжалиги қисми;
- ускуналар ва материаллар спецификаси қисми;
- электр қисми ва бошқалар.

Газ таъминоти (корхоналарнинг газдан фойдаланиш ускунаси, қурилмалари, узатиш, тақсимлаш ва ички цех газ қувурлари) лойиҳаси газ таъминоти тизимларини лойиҳалаш бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган лицензияга эга бўлган лойиҳалаш ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилади.

Лойиҳалаш ташкилоти газ таъминоти бўйича ишлаб чиқилган лойиҳанинг амалдаги норматив-техник нормалар ва қоидаларга мувофиқлиги юзасидан жавоб беради.

Газ таъминотининг лойиҳа-техник ҳужжатларида қуйидагилар назарда тутилиши керак:

газдан фойдаланиш ускуналари ва газ горелкаси қурилмаларининг энг тежамли технологик схемаларини, энергетикадан самарали фойдаланиш жараёнларини ва сертификатланганларини қўлланиш;

истеъмол қилинаётган газ сарфининг ҳисобланган диапазонда ҳисобга олишнинг ишончилигини таъминлайдиган, газ ҳажмини стандарт шартларга келтириш учун зарур қурилмалар билан жиҳозланган газни ҳисобга олиш приборларини қўллаш;

иккиламчи энергия ресурсларидан иқтисодий асосланган ва техник жиҳатдан мумкин бўлган тарзда фойдаланиш;

хавфсизлик автоматикаси приборларининг мавжудлиги;

иссиқлик жараёнларини автоматик тарзда тартибга солиш ва назорат қилиш тизимларини қўллаш;

газнинг ва газдан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилган маҳсулотнинг ҳисобга олинишини таъминлаш;

ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (бажарилаётган ишлар, хизматлар) бирлигига ёқилғи-энергетика ресурсларининг норматив бўйича сарфланиши кўрсаткичлари;

амалдаги лойиҳалаш нормаларига мувофиқ иссиқлик агрегатлари ва иссиқлик қувурларининг қизиш юзасини сақловчи иссиқлик изоляцияларини қўллаш;

газнинг ёниш маҳсулотлари таркибини ва ҳароратини назорат қилишни таъминлаш;

бинолар ва иншоотларнинг иситиладиган ҳажмлари, шунингдек объектлардан газ қувурларигача бўлган масофалар тўғрисидаги маълумотлар.

Хавфли ишлаб чиқариш объектини қуриш, кенгайтириш, реконструкция қилиш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, консервация қилиш ва тугатиш лойиҳа ҳужжатлари белгиланган тартибда саноат хавфсизлиги юзасидан экспертизадан ўтказилиши керак.

Газ таъминотининг (корхоналарнинг газдан фойдаланиш ускунаси, қурилмалари, узатиш, тақсимлаш ва ички цех газ қувурларининг) лойиҳа-техник ҳужжатлари техник шартлар берилган кундан бошлаб 24 ойдан кечикмай рўйхатдан ўтказилиши керак. Агар ишлар ушбу муддат мобайнида бошланмаса лойиҳа такоран келишилиши керак.

Лойиҳа қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилгандан кейин истеъмолчининг ёзма шаклдаги мурожаати асосида газ таъминотининг лойиҳа-техник ҳужжатлари барча тоифадаги истеъмолчилар учун тегишли газ таъминоти ташкилотида 5 иш кунидан кечикмай рўйхатдан ўтказилади.

Агар қурилиш рўйхатдан ўтказишнинг олдинги санасидан бошлаб 24 ой мобайнида бошланмаган бўлса, ёхуд уланишга техник шартлардан чекланишнинг лойиҳалаш жараёнида зарурлиги аниқланган бўлса газ таъминотининг лойиҳа-техник ҳужжатлари газ таъминоти ташкилотида қайта рўйхатдан ўтказилади.

Газ таъминотининг лойиҳа-техник ҳужжатларини рўйхатдан ўтказиш рад этилган тақдирда газ таъминоти ташкилоти 5 иш куни мобайнида истеъмолчига, рад этиш сабабларини ва баргараф этилиши керак бўлган камчиликларни асослаган ҳолда, тегишли ёзма хабарнома юборади.

Газ таъминотининг лойиҳа-техник ҳужжатларини рўйхатдан ўтказиш тўлов ундирилмасдан амалга оширилади.

Газ таъминоти бўйича қурилиш-монтаж ишлари, тегишли ижро-техник ҳужжатларни тузган ҳолда, ушбу ишларни амалга ошириш учун лицензияга ёки рухсатномага эга бўлган ихтисослаштирилган корхона томонидан бажарилади.

Газ таъминотининг мавжуд тизимларини кенгайтириш, реконструкция қилиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашда қурилишга ва фойдаланишга топширишга талаблар янги қурилиш объектларига каби тақдим этилиши керак.

Объектнинг газдан фойдаланиш ускунасини газ таъминоти тармоқларига ўзбошимчалик билан улаш қатъиян тақиқланади.

Объектнинг газдан фойдаланиш ускунасини мавжуд газ таъминоти тармоқларига улаш қоидалари бузилган тақдирда бундай ҳаракатларга йўл қўйишган шахслар амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ маъмурий, интизомий ва жиноий жавобгарликка тортилади.

Манзил: 100007, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси 32а.

Телефонлар 8-371-267-28-17, 8-371- 267-53-89

Электрон манзили: info@uzngi.uz

Интернет манзили: www.uzngi.uz

“ЎЗДАВНЕФТГАЗИНСПЕКЦИЯ” МАЪМУРИЯТИ